

Кубокнинг туман финалида Гулбаҳорлик ёшлар ҳам тўп суришади



3-Сектор ҳудуди бўйича ўтказилган футбол мусобақалари ўз якунига етди. Сектор ҳудудида жойлашган 7 та маҳалла ўртасида ўтказилган сектор биринчилигига "Гулбаҳор" маҳалласи жамоаси биринчиликни қўлга киритди.

Шундай қилиб, Давлат хавфсизлик хизмати Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғининг "Бошқарма бошлиғи кубоги"нинг Термиз туманида ўтказилаётган футбол мусобақаларининг туман босқичида 1-Сектордан "Нурли диёр", 2-Сектордан "Истиқлол", 3-Сектордан "Гулбаҳор" ҳамда 4-Сектордан "Наврӯз" маҳаллалари жамоалари иштирок этишади.

Эслатиб ўтамиш, туман финал босқичи эртага, 20 май куни туман марказидаги "Марварид" дам олиш масканида бўлиб ўтади. Барча футбол муҳлисларини ушбу спорт байрамига таклиф этамиш.

**Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати**